



Адолат масаласи инсониятнинг энг қадимги, энг эзгу орзуларидан бўлиб, ҳар даврнинг илғор ва буюк калам соҳиблари бу масалани турлича талкин қилганлар. Ўрта аср феодал Шарқи шароитида энг муҳим масалалардан бири адолат масаласи эди. Уша даврнинг тараккийпарвар кишилари зулм-зўрликни йўқотиш, ўзаро феодал урушларнинг олдини олиш, марказлашган давлат барпо этиш, шу йўл билан адолат ўрнатиш учун курашдилар. Улар орасида Навоийнинг роли бениҳоядир.

Навоий умр бўйи халқ манфаатларини ҳимоя қилди, халқ турмушини яхшилаш чораларини ахтарди. У давлат арбоби сифатида мамлакат ва халқ фаровонлигини таъминлаш учун тинмай ҳаракат қилди.

«Навоий сиёсий қарашларининг моҳияти мунаввар подшоҳликдир. Навоий учун Аллоҳдан сўнг ягона авторитет подшоҳдир. Давлатнинг тараккийси ва унинг инкирози... подшоҳга боғлиқдир. Подшоҳ эса ё одил, ё золим бўлади. Давлатнинг қучайиши учун подшоҳ қонунга ва адолат принципларига суяниши керак» (Ойбек. Навоий ҳақида). Навоийнинг фикрича, агар подшоҳ адолатли бўлса, мамлакат обод, халқ бахтиёр бўлади, агар бунинг акси бўлса, яъни золим бўлса, мамлакат харобазорга айланади, халқ эса хору зор бўлади.

Қуёшдек шах адолат пеша қилса,  
Жаҳон мулкани бир дамда ёрутқай.  
Агар зулм этса акшом зулматидек,  
Ҳам ул дам тийралик оламн тутқай.

Шоҳ мамлакатнинг улуги экан, у адолат билан иш қўриши керак. Шоир давлат бошлиги қандай бўлиши кераклиги ҳақида жуда муҳим фикрларни баён этди:

Бўлди раият галаву сен шубон,  
Ул шажари мусмиру сен богбон.  
Қўйни шубон асрамаса ою йил,  
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.  
Бокмаса дехкон чаманин туну кун,  
Нахли тарин англа қуругон ўтун.

Бўрини доги галадин дур кил,  
Сув берибон богни маъмур кил...

Навоийнинг таъкидлашича, мамлакат шохи мана шундай гамхўр, адолатли бўлиши, ўз мамлакати ва халки учун кайгуриши керак. У ҳамма нарсадан аввал, донишманд, илм-хикматдан хабардор шахс бўлиши, шунингдек, давлатни идора қилишда олим ва донишманд шахсларнинг фикрларига асосланиши лозим. Шох бутун хаёти ва фаолиятини эл-юрт саодати учун курашга бағишлаши керак.

Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги Искандар образи мана шундай орзулар асосида яратилган идеал шох образидир. Навоий яшаган даврда Искандар каби идеал шохларнинг бўлиши, уларнинг хаёлдан ҳақиқатга айланиши мумкин эмас эди. Бирок шоир яшаган муҳит унга мазкур ҳолни англаш имкониятини бермас эди. Жамиятнинг ривожланиш қонунлари шоир учун очилмаган сирлигича қолди. Бирок феодал урушлар авжига чиққан, мамлакат парчаланиб қучсизланган, халқнинг аҳоли оғир бўлган бир даврда шоирнинг феодал ўзаро урушларнинг олдини олиш, мамлакат бутунлигини сақлаш, мамлакат ва халқни ташқи душманлар ҳуружидан ҳимоя қилиш, адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат тузиш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари катта аҳамиятга эга эди.

Хуллас, шоир ижодида адолат катта ижтимоий мавзу бўлиб, юқоридаги каби қатор масалаларни қамраб олади. Навоий «Хамса»сидаги «Шохи Гозий хикояти...» («Хайратул-аброр» достонининг 3 мақолати»), «Искандар хикояти...» (14 мақолат), «Баҳромгўр хикояти...» (19 мақолат), «Тўртинчи иқлим йўлидан кетурган мусофир хикояти» («Сабъаи сайёр»), «Искандар била ул галолиг ихтиёр этган подшо хикояти», «Маҳмуд хикояти...», «Султон Абусаид кўрагон хикояти», «Ардашер хикояти...», «Баҳромгўр хикояти...», «Ғадойи қам сармоёи баланд поя хикояти...» («Садди Искандарий») каби қатор хикоятлар адолат масаласига бағишланган. Навоийнинг аксарият хикоятларида подшоҳ ва халқ, подшоҳ ва сарой аҳллари, подшоҳнинг илм аҳлига муносабати каби масалалар ёритилган. Уларда ўз даври тушунчасида халқпарвар идеал шох ва шахзодалар образи яратилган. Мазкур хикоятларда у ёки бу даражада инсонпарварлик, зулм ва золимларга қарши шафқатсиз кураш, вайронагарчилик келтирувчи урушларнинг олдини олиш, тинчлик ва осойишталик гоёлари қуйланган...

«Сабъаи сайёр» достонидаги тўртинчи мусофир тилидан келтирилган қиссада адолатли шохлар саҳий ва олиҳиммат бўлиши, халқ ҳолидан доим хабар олиб туриши, ўз давлатини мустаҳкамлаш учун золимларга қарши шафқатсиз курашиши керак деган гоёлари сурилади.

Қиссанинг мазмунига кўра, бир қуни суҳбат вақтида бир қамбағал меҳмон Шох Жунага кўзгу тухфа қилади. Кўзгунинг ажойиб ҳислати бўлиб қин сўзлаган қиши бокса унинг юзи оқ кўринар, ёлгон сўзлаган қиши бокса, унинг юзи қора кўринар эди. Шох бу тухфадан жуда хурсанд бўлиб, уни келтирган қишига кўп инъомлар бериб, ундан: «Мендан саҳий одамни кўрганмусен?», — деб сўрайди. Меҳмон хижолат бўлиб «йўқ». дейди. Кўзгуда эса унинг ақси қора кўринади. Бундан хижолат бўлган шох ундан рост сўзлашни илтимос қилади. Меҳмон шох Жунадан ҳам саҳий одамни кўрганлигини, у одамнинг оти Масъуд бўлиб шу шохга қаршли Тироз деган жойда яшашлигини айтади. Масъуднинг ажойиб ҳислатлари — саҳийлиги, қамбағалпарварлиги, бойлигининг ҳисоби йўқ эканлиги ҳақида мароқ билан хикоя қилади. Шох мусофир қийимини қийиб Масъуд яшаётган ерга боради.

Масъуднинг одамлари уни хурмат килиб, Масъуднинг ёнига олиб борадилар. Мехмонни хурмат билан карши олган Масъуд мехмон шарафига бир кеча-кундуз зиёфат беради, унга кимматбахо хадялар такдим этади. Хадялардан бири «тилсим» жом бўлиб, ичган билан унинг майи тугамай-ди, яна бири гўзал созанда киз бўлиб, у жуда хушовоз эди. Учинчи хадя «Гулгун» номли учар от эди. Бундай иззат-икромда бўлган шох Масъуднинг одамгарчилигига, мехмондўстлигига, инсоф-адолатига, химмати ва сахийлигига офаринлар айтади.

Жунага карашли Тироз вилоятининг хоками Жайпур-ўта кетган золим, мунофик одам эди. Мамлакат халки ундан жуда кўп озор чеккан. Унинг вазири Маллу хам золимликда, инсофсизликда ундан қолишмас эди. Хатто, халк бу золимлар устидан шохга шикоят килган. Шунинг учун хам шох Тироз вилоятининг хоками килиб Масъудни тайинлашга фармон беради. Жайпур ва Маллу бунинг олдини олиш, Масъудни йўк қилиш пайига тушадилар. Улар аввал Масъуд билан дўстлашиб, борди-келди қиладилар. Зиёфатларнинг бирида Масъудни маст қиладилар, унинг оёк-кўлини боглаб зиндонга ташлайдилар. Улар Масъудни азоблаб ўлдиришга ҳаракат қиладилар. Масъуднинг йўқолганини эшитган халк мотам туттади.

Маллунинг бир гўзал кизи бўлиб Масъудни севар эди. Шу киз Масъудни зиндондан кутқариш тадбирларини кўради.. Кизнинг бу максоди базм бўлган куни амалга ошади. Киз базм кечаси хаммининг мастлигидан фойдаланиб, Масъудни зиндондан чиқаради, яширинча бир хонага кўйиб унга парвона бўлади. Эртасига Масъуднинг йўқолганидан хабар топгаи Жобир зиндон сокчисини ўлдиради. У хар томонга чопар юбориб Масъудни кидиртиради. Улар 10 кун кидириб Масъудни топа олмайдилар. Ўтган вақт мобайнида Масъуд тузалиб киз билан қочиб кетган қарор қилади. Улар кечаси хавф-хатар йўқ вақтда қочадилар. Жобир эрталаб уларнинг йўқлигини билиб қолади ва яна кидира бошлайди. Лекин киз билан йигит кемага тушиб кетиб қолган эдилар. Жобир чопарлари уларга ета олмади. Бир неча кундан кейин киз ва Масъуд дарё соҳилига чиқиб, шаҳар томон йўл оладилар. Йўлда улар жуда кўп қийинчиликларга дуч келадилар. Уларни йўлтўсар қароқчилар талайди. Улар оч-яланғоч қолиб, кўп азоб-укубатлар тортадилар. Нихоят бир мамлакатга етиб қеладилар. Улар хаддан ташқари холдан тойган эдилар. Масъуд овқат излаб шаҳарга қириб боради. Шаҳардаги бозорда шох мулозимлари хаммол кидирмоқда эдилар. Масъуд хам-мол бўлиб, бир тосни саройга олиб боради. Саройга қиришида бир отбоқар ёнида «Гулгун» отни кўриб хайрон бўлади. У, мен «Гулгун» отни тухфа қилган ўша мехмон шохнинг хузурига қелган экан, деб ўйлайди. Масъуд ичкарирок қирганда, созанда кизнинг таниш овозини эшитиб ўзини йўқотар даражага етади. «Ул санамни мехмон сотган экан-да» деб гумон қилади. Унинг кўзи ўша «мехмонга» тухфа қилган «тилсим» жомга тушади. Масъуд хайратда қолиб шохга қарайди ва уни танийди. Шох Масъуднинг ўша «мехмони» экан. Масъуд шохга ўзини танитишдан андиша қилиб, унинг бошидан тосни олганлари қамон саройдан чиқиб кетаётганда Масъуднинг шох билан юборган қочимлари Масъудни таниб қоладилар. Масъуд хам уларни танийди. Улар йиглаб қўришадилар. Бу ҳақда шохга хам хабар етади. Шох суюнганидан йиглаб ташқарига югуради. Улар қўришадилар. Масъуд шохни қандай мехмон қилган бўл-са, шох хам уни шундай мехмон қилади. Масъуд ўз ёрининг харобада қолганини айтади. Шох қанизаклари ажойиб қийимлар олиб қириб қизни тахти-равонда олиб қеладилар. Шох Масъудга хам ўзи қаби гулгун рангли қийим қийдиради. Улар хурсандчиликдан

гул-гулранг май ичиб, сухбат курадилар, Масъуд ўз бошидан кечирган саргузаштларини шохга хикоя қилиб беради. Воқеадан хабар топган шох газабдан золим Жайпур ва унинг шериги Маллуни катл қилади. Шох Масъудга кўп инъомлар бериб, Маллу ва Жайпур ўрнига вилоят хокими қилиб тайинлайди. Адолат зулм устидан галаба қилади. Инсонни юқори даражада шарафлаган Навоий хикоятни қуйидаги байт билан тугатади:

Хуш дурур боги коинот гули,  
Барчадин яхшироқ хаёт гули.

Бу «Сабъаи сайёр» достонидаги энг яхши қиссалардан биридир. Мамлакат ва халқ тақдирини давлат бошлиқларининг хатти-харакатига боғлиқ билган Навоий бу хикоятда ҳам шохларни адолатли, халқпарвар, сахнӣ, олиҳиммат бўлишга ундайди.

Қиссада соф севги, садокат масаласи ҳам катта ўрин тутади. Золим Маллуни кизи отасига тамоман карама-қарши образдир. У отасининг зулми ва ярамасликларини тушунадиган киз, отасидан ситам кўрганларга ёрдам беради, уларни азоб-уқубатдан қутқаради. Навоий бу киз образида хотин-қизларнинг олнжаноб фазилатларини, уларнинг матонати ва қатъиятини, иродаси ва қурашини мужассамлаштиради.

«Сабъаи сайёр»даги бошқа қиссалар қаби «Жуна ва Масъуд» қиссаси ҳам оптимистик характерга эга. Ундаги воқеалар тугуни қонфликтлари ижобий образларнинг галабаси, адолатнинг тантана қилиши билан ечилади.

Қиссадаги марказий образ — шох Жуна образи бўлиб, унинг фаолияти ва хатти-харакати тасвирлари воқеаларнинг ривожи ва қонфликта хал бўлишида етакчи ўрин тутади. Жуна адолатли, олиҳиммат, халқпарвар шох образидир. Навоий қиссанинг бошланишида Жунанинг қуйидагича характеристикасини беради:

Хисраве эрди шохлардин ток,  
Тахти ҳукмида кишвари офок,  
Махзану ганжиги ниҳоят йўқ,  
Мулку хайлига хадду гоят йўқ.  
Чарх йўқ мулки арсасига эдил,  
Ўзга шахларнинг отича анга нил.  
Адлу инсоф ўлуб сифоти анинг,  
Шохлар ичра Жуна оти анинг.  
Элга базлу ато била машхур,  
Олам ичра сахо била машхур,  
Элга лакларни бобахона бериб,  
Гар бахона топиб, хизона бериб.  
Базлаи гар дебон сухан санжи,  
Силасига ато қилиб ганжи.

Навоий хикоятда бу образни дастлабки планга олиб чиқиш билан Баҳромга танбех беради. Баҳромни Жунадан ўрнат олишга ундайди.

Қиссадаги қахрамонлардан яна бири Масъуд образидир. Ўз характери билан Масъуд образи Жуна образига хос сифатларни тўлдиради. У саҳийлик билан ном чиқарган шахс. Жуна ҳам Масъуднинг олиҳимматлиги, саҳийлиги олдида лол қолади. Масъуд илм-хунар эгаси, фозил шахс. Навоий Масъуднинг портретини Жунага кўзгу тухфа қилган гариб

меҳмон тилидан куйидагича таърифлайди:

Навжувони бу шаҳр аро сокин,  
Васфи минг нуктадонга йўқ мумкин.  
Хусн аро меҳри осмоний ул,  
Лутф аро оби зиндагоний ул.  
Ёши озу камоли кўп беҳад,  
Зотида мундариж камоли хирад.  
Пок табъи сафода кўзгудек,  
Сабза узра окар сузук сувдек,  
Фаҳмига нукта бўлмаин мубҳам,  
Нуктаси ичра нукта кўп мудгам.  
Табъи хар фанда чун мулойим ўлуб,  
Анга ахли фунун мулозим ўлуб  
Йўқ саодатлик ўйла бир мавжуд,  
Ахтари саъд ўлуб, оти Масъуд.

Шундай ажойиб инсоний фазилатларга эга бўлган олиҳиммат Масъуд характерида зиддиятли моментлар ҳам мавжуд. У ҳаммавакт ҳам дуст билан душманни фарк кила олмайди, хар кандай шахсни май билан кутиб олади, хар кандай меҳмон шарафига хафталаб зиёфат беради. Масъуд Маллу ва Жайпурни синамай туриб дўст тутинади. Улар билан ўзидан кетиш даражасигача май ичади. Маллу ва Жайпур унга чидаб бўлмас даражада азоб берадилар. Бу билан Навоий, агар кимки дўст билан душманни фарк кила билмаса, унинг халок бўлиши мукаррар деган гояни илгари суради. Масъуд пассив шахс. У зиндондан кутулиш учун харакат килиш ўрнига ох-фигон билан банд бўлади. Уни бир тасодифгина ўлимдан куткариб қолади. Навоий яшаган даврда зулмга карши туриб, халк манфаатларини химоя килган хар кандай шахснинг умри тазйик ва зиндонда ўтар эди. Масъуднинг зиндондаги гам-аламли хитоби ўз мазмуни билан золимларга карата нафрат хитобидир:

Ки: «Гуноҳим недур, мусулмонлар!  
Килмади бўйла зулм ёронлар!  
Зулму бедод расмидин кайтинг,  
Гунаҳи айлаган асам айтинг.  
Олами жойизул — хато бўлмиш,  
Бу хато борчага раво бўлмиш.  
Ўтқарай хар не таржумон десангиз,  
Молдин ким десунки, жон десангиз»

Хикоятдаги Маллунинг кизи адолатсизлик ва инсофсизликка карши исён кўтарган жасоратли мубориз киз образидир. У хикоятдаги воқеа ва конфликт-пинг ечилишида катта роль ўйнайди. Хусни латофатда тенги йўқ бу киз айни пайтда аклли, одобли ва ўта тадбирлидир. Киз ўз отасининг золим, мунофик эканлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам у ўз тақдирини золим отасининг ихтиёрига ташлаб кўймайди. Навоий кизнинг бой рухий кечинмаларини тасвирлаш оркали унинг Масъудга бўлган

севгисининг самимий эканлигини ҳам кўрсатади:

Деди: Эй жисминга фидо жоним,  
Жонинга садка жисми пазмоним.  
Сени кўргунча мундок ўлсам не?  
Хаста жонинг фидоси бўлсам не?

Мана шундай оташин севги кизнинг ўзини ҳам, вафодор ошиқни ҳам ўлимдан куткаради. Кизнинг жасорати, акли, тадбир ва чоралари натижасида улар мурод-максадларига эришадилар. Бу киз «Хамса»даги ажойиб хотин-киз образлари — тадбирли давлат бошлиги Мехинбону, садокатли маъшукалар Ширин, Лайли, Диларом каби образларни тўлдиради. Шунинг билан бирга, у ўзига хос хислатлари билан улардан ажралиб туради. Бу киз Навоий яратган энг жасоратли, энг фаол ҳаракат килувчи аёл образларидандир.

Навоий хикоятларидаги асосий масалалардан яна бири золим ҳукмдорларни фош қилишдир. Навоий зулм-зўрликни ва мунофиқликни Жайпур ва Маллунинг хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали каттик қоралайди. Навоийнинг фикрича, бу шахсларга жамиятда ўрин йўқ.

Жайпур ва Маллу ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳеч қандай разилликдан қайтмайдиган худбин мардум-озор шахсларнинг образларидир.

Жайпур химмати паст, золим, мансабпараст. У ўз максадига эришиш йўлида ҳар қандай жириятни қилишга тайёр. У ўз ноибни Маллунинг ёрдами билан Масъудни хийла-найранг ишлатиб зиндонга ташлайди, унга чидаб бўлмас даражада азоб беради. Жайпурнинг ёрдамчиси Маллу ҳам золимликда ва мунофиқликда ундан қолишмайди. Маллу Масъудни йўқ қилиш учун Жайпурга қуйидагича маслаҳат беради.

Деди Маллу:  
«Бурун ани ёр эт,  
Таври меҳру муҳаббат изҳор эт.  
Чорлабон ўз уюйга суҳбат туз,  
Онинг уйига майл ҳам қургуз.  
Чун бўлур бу мусодакат мавжуд,  
Мен қилай ҳар неким эрур максуд»

Маллу ҳам, Жайпур ҳам ўша даврдаги золим ва фирибгар амалдорларнинг, инсофсиз давлат бошлиқларининг умумлаштирилган образларидир.

Киссада асосий образлардан ташқари дехкон ва шохга кўзгу тухфа қилган меҳмон образлари ҳам берилган. Булардан ҳар бири кисса сюжети, унда қўйилган масалаларнинг ривожига маълум ўрин тутаяди, воқеликнинг тасвир ва бадиий кимматини оширади. Навоийнинг «Жуна ва Масъуд» киссаси юксак бадиий маҳорат билан яратилган. Кисса ўзига хос сюжет қурилшига эга. Ундаги воқеа ва ҳодисалар шох Жуна ва золим Жайпур характери очиқ кўрсатиш учун келтирилади. Киссанинг бошланишида ундаги асосий образ шох Жунага характеристика берилиб, унинг адолатли ва саҳий эканлигини кўрсатиш ниятида қатор эпизодик воқеа ва ҳодисалар тасвири берилди. Масалан, шохга нок совға қилган дехкон воқеаси шохнинг адолатли, саҳий эканлигини бўрттириб кўрсатишга ёрдам берса-да, асосий воқеанинг зарур босқичи

хисобланади. Шоир ўқувчини ижобий кахрамонлар билан таништириб бўлгач, салбий образлар Жайпур ва унинг ноиб Маллу билан таништиради. Шундан кейингина кассанинг сюжет чизигида асос хисобланган адолат билан зулм ўртасидаги кураш тасвирланади. Бу кураш шиддат билан ривожланиб, кульминацион нуктага кўтарилади. Ундан кейин шоир Маллуни кизи образи билан боглик бўлган воқеани келтиради. Бу воқеа, бир томондан, Маллуни мунофиқлиги, раҳм-шафқатсизлигини очиб ташласа, иккинчи томондан, соф севги-садоқатнинг бекиёс кучини кўрсатади. Масъуднинг зиндондан кутулиши билан хали адолат ва зулм ўртасидаги кураш тугамайди. Масъуднинг тасодифан шох Жунани топиши, солим Маллу ва Жайнурнинг йўқ килиниши эпизоди билан хикоядаги мураккаб конфликтлар хал бўлади. Хуллас, касса кескин конфликт асосига қурилиб саховат билан бахиллик, инсоф билан инсофсизлик, тўғрилиқ билан мунофиқлик ўртасида каттик кураш боради. Бу конфликт хаётий конфликтдир. Уша даврда зўрлик, мунофиқлик, бахиллик авжига чиққан эди. Тараққийпарвар шахслар уларга қарши курашадилар. Кўпинча улар бу курашда енгилдилар. Замон зўравонларининг кўли баланд келди. Шунга қарамай, улар курашни давом эттирдилар. Яхши ният, эзгу интилишларнинг тантанасини орзу қилдилар. Кассада гоёвий ниятнинг равшанлаштирилишига қаратилган бадий тасвир воситалари унумли ва ўринли ишлатилган. Шоир хикоятлар давомида айниқса ташбих (ўхшатиш) санъатини кенг қўллайди. Улар хикоятда образларни ёрқин беришга, уларнинг рухий ҳолатини очишга восита бўладилар.

Борди Масъуд холи сомондин,  
Тўқубон ашк илик юди жондин.

Шоир Масъуднинг ташки кўринишини сомонга ўхшатиш билан унинг рухий ҳолатини ўқувчи кўз олдида равшан келтиради. Кассада ташбихнинг дек (дай) кўшимчаси ва «киби», «чун», «ўйлаким», «янглик», «учун», «сифатким», «нечук», «ки», «гўё», «монанд» сўзлари ёрдами билан ясалган хилма-хил ва бой намуналари яратилган. Навоий тасвир ва ўхшатишларда ходисанинг ўзидан келиб чиқишга ҳаракат қилган. Шоир оддий сўзлардан иборат табиий ўхшатишларни кўп ишлатади. Шуниинг учун ҳам кўпгина ташбихлар образларга, воқеаларга объектив баҳо бериш меъёри бўлиб хизмат қилади.

Масалан:  
Ноча бу пабъ зохир этти наво,  
Килмади дуни сангдил парво.

Бунда шоир ёмон ниятли Жайпурнинг юрагини тошга ухшатиш билан Жайпур устидан салбий ҳукм чиқаради.

Яна:

Пок табъи сафода кўзгудек,  
Сабза узра -оқар сузук сувдек.

Шоир бу ўринда Масъуднинг поклигини таъкидлаш учун уни тиник кўзгуга ўхшатади.

Хуллас, юкоридаги мисоллардан равшан кўринадики, шоир келтирган ташбихлар, бир томондан, гоёвий эмоционал функцияга эга бўлса, иккичи томондан, персонажларнинг ички дунёсини, характерини очиб беришга хизмат қилади.

Навоий поэзияда катта ва кенг камровли фикр ва тушунчаларни ихчам шаклда талкин қилишга эришади. Хикояда чуқур маъноли идиомалар, фразеологик бирикмалардан кенг фойдаланилади. Шунинг билан бирга, шоирнинг ўзи ҳам афоризм ва халқ иборалари даражасига кўтарилган чуқур мазмунли иборалар яратади:

Чанг торига чун фиғон берди,  
Кимки ўлтирмиш эрди—жон берди  
Хушдурур боги коинот гули,  
Барчадин яхшироқ хаёт гули.

Бу ибораларни кўп холларда халқ хикматларидан ажратиш кийин.

Навоий кассада бой халқ ижодидан самарали фойдаланган. Шоир кассанинг сюжет ва композициясини ҳам халқ достони ва эртақларидек тузди. Шуйингдек, адабиётда «колиплаш» усулидан фойдаланди. Хикоят ичида хикоятлар берди, уларни асосий воқеа чизиги атрофига уюштирди.

Навоий халқ ижодидаги тасвирий усуллардан ҳам илҳомланди. Каҳрамонларнинг портрети, уларнинг яшайдиган жойлари тасвири кўпроқ халқ эртақлари деталларини эслатади. Куйидаги тасвирни олайлик:

Бор эди қаср ёнида ҳаммом, Фаршу изора анда яшму рухом,  
Шиша ўрнида меҳри оламтоб,  
Хавзлар ичра сув ерида гулоб...

Тослар зарнигору меҳр мисол,  
Сиймгун дастадин бошида хилол.  
Футалар мушку анбар огушта,  
Тортилиб ин ерида зар ришта.

Бундай ажойиб бадиий воситалар билан яратилган тасвирлар хикоя давомида асосий гоёни бўрттириб кўрсатишга қаратилган.

Юкоридаги хикоятда эртақларда бўлгани каби эгри билан тўғрини, рост билан ёлғонни ажрим қилувчи асбоб — «кўзгу» берилади. Рост сўзлаган киши кўзгуга бокса юзи ок, ёлгон сўзлаган киши бокса қора кўринади. «Тилсим» жом, сув ўрнига май, овқат ўрнига найшақар егувчи учар от каби эртақларда кўп учрайдиган фантастик образлар ҳам кассани халқ ижодига яқин эканлигини кўрсатади.

Хуллас, халқ оғзаки ижоди Навоийнинг бу кассаси учун ҳам кўп томондан асосий манба бўлди, унинг гоёвий-бадиий кимматини, халқчиллик руҳини оширди.

Навоий куйлаган ўз она ватанни жондан севиш, уни ҳар қандай босқинчилар ҳужумидан қўриқлаш, мамлакатнинг бутунлиги, бирлиги, тинчлиги, осойишталиги ва ободлиги учун курашиш, қўшни ўлка халқларини золимлар зулмидан қутқаришга ёрдамлашиш каби юксак гуманистик гоёлар ҳозирда ҳам ёш авлодни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият қасб этади.



Н. Ганиҳўжаева